



14.000 АҚШ доллари берса “-----” маҳалла ҳудудида жойлашган 0,08 гектар ер майдонини ажратиб бериб, шаҳар ҳокимини қарорини чиқартириб беришини айтиб, О.Нни пора беришга далолат қилиб, 2018 йил 7 ноябрь куни “----” кафесиди О.Нга 10.000 АҚШ доллар пулни пора тариқасида олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Маҳкум Г.Н кассация шикоятда, содир этилган жиноятларга дахли йўқлиги ҳақида важлар келтириб, ишни одилона ҳал қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья А.Муминовнинг маърузасини, вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Холматовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги, маҳкум Г.Нни ҳимоячиси М.Сирожиддиновнинг кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, кассация шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, кассация шикоятини қаноатлантиришсиз, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Г.Ннинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги, гувоҳ О.Нажмиддиновнинг суддаги, “Чорсу деҳқон бозори”да савдо қилиб ўтирган вақтида, таниши Қ 12.000 АҚШ долларига Г.Ндан ер сотиб олганини айтгани, Қдан Г.Нни телефон рақамини олиб, кўнғироқ қилиб, ер сотиб олмоқчи эканлигини айтгани, Г.Н бир-иккита жойларни таклиф қилгани, орадан

3-4 кун ўтиб Г.Нга кўнғироқ қилиб у жойлар ёқмагани, бошқа жойдан кераклигини айтганида, Г.Н ҳозирда уйда эканлиги, вақти бўлса келиши мумкинлигини, кўришиб гаплашишини айтиб, манзилни тушунтиргани, Г.Н билан кўришиб гаплашган вақтида, ҳокимиятда танишлари борлигини, ерни қарорларини тезда чиқариб беришни айтгани, уни гапларига ишониб, ер сотиб олмоқчилигини айтганида, таниши З.Ини телефон рақамини бериб, телефон қилиб гаплашишини, ёқадиган ер кўрсатишини айтгани, шунда З.Ига кўнғироқ қилиб, телефон рақамини Г.Ндан олганини, ер кераклигини айтиб,

у билан кўришганида, З.И унга Наманган шаҳар “----” заводи орқа томонидаги дала майдонидан 8 сотих ер майдонини кўрсатгани, ернинг қарорини чиқартириб беришини, шунингдек кадастр ҳужжатларини ҳам тайёрлаб беришини айтгани, 8 сотих ер майдонини 14.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишгани, Г.Н билан З.Ини фаолияти ноқонунийлигини тушуниб, Наманган вилоят Департаментига ариза билан мурожаат қилгани, Департамент ходимлари томонидан тадбирда фойдаланиш учун 10.000 АҚШ доллари берилгани, 2018 йил 7 ноябрь куни З.И ва Г.Н билан бирга Хамкорбанк рўпарасида жойлашган кафега киргани, кафед унга Г.Н ва З.И орқали сотилаётган Наманган шаҳар ----- МФЙ ҳудудидаги 8 сотихли ер майдонини шаҳар ҳокимлигидан қарорини чиқартириб беришлик учун ундан шаҳар ҳокими номига ариза ёзиб беришлигини сўрагани, шунда у ушбу кафед ариза ёзишни бошлагани, Г.Н ундан ушбу ер майдонини кимнинг номига расмийлаштирмоқчи эканлигини сўраганида, укасини номига расмийлаштирмоқчи эканлигини айтгани, шундан сўнг у ариза ёзишни тўхтатгани, аризани укаси ёзиб беришини айтгани, шундан

сўнг ушбу 8 сотихли ерни сотиб олиши учун олдиндан келишилган 10.000 АҚШ долларини бергани, дастлаб ушбу пулни З.Исомиддинов санаб адашиб кетиб Г.Нга бергани, Г.Н ушбу пулни санаб олиб, жами 10.000 АҚШ доллари эканлигини билгани, ушбу 10.000 АҚШ долларини З.Ига бергани, З.И ҳам ушбу АҚШ долларларини санаб олиб устки куртқасини ўнг ички чўнтагига солиб қўйгани, шундан сўнг улар кафедран ташқарига чиқиб туришганида Департамент ходимларига тегишли белгини бергани, Департамент ходимлари келиб, Г.Н ва З.Ини ушлаб, ҳужжатларни расмийлаштиришгани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

шу жиноят иши бўйича судланган З.И, гувоҳлар А.С, Э.Жнинг кўрсатувлари, пулга кимёвий ишлов бериш, пул ва овоз ёзиш мосламасини аризачига тақдим этиш, тезкор тадбир ўтказиш, овоз ёзиш мосламасини қайтариб олиш, ашёларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомалари, О.Ннинг аризасига асосан берилган диктафон стенограммаси ҳамда ишдаги бошқа далиллар билан исботланган.

Суд Г.Ннинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди, 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, содир қилинган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинлаб, асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 506, 506<sup>1</sup>, 509-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2019 йил 10 апрелдаги [REDACTED] га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи	имзо	Т.Туркулов
Ҳайъат судьялари	имзо	Д.Ахмадалиева
	имзо	А.Муминов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”  
Вилоят суди судьяси

А.Муминов

Раислик қилувчи

Т.Туркулов

Ҳайъат судьялари

Д.Ахмадалиева

А.Муминов